



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 25 [14.076]

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон – Туркия:

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Анкара, 19 февраль.
ЎЗА махсус мухбири Матназар ЭЛМУРОДОВ
хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг таклифига биноан 2020 йил 19 февраль кунини ушбу мамлакатга ташриф буюрди.

“Эсонбуға” халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркия ҳукумати аъзолари, Анкара музофоти ва шаҳри раҳбарияти ҳамда бошқа расмий кишилар кутиб олди. Шавкат Мирзиёев хоржий ташрифлари чоғида албатта ўша мамлакатнинг табаррук зиёратхоналари бўлиб, улуг сиймолари хотирасига ҳурмат бажо келтиради. Туркияга бу галги ташриф ҳам ана шу эзгу аъноа билан бошланди. Давлатимиз раҳбари Анкара шаҳрида Аниткабир ёдгорлик мажмуасига ташриф буюриб, Туркия Республикасининг биринчи Президенти Мустафо Камол Отатурк қабрига гулчамбар қўйди.

Турк халқининг ардоқли фарзанди, буюк давлат арбоби Мустафо Камол Отатурк мангу ором тоғлан маскан халқ учун жуда қадрли. Йил давомида бу ердан зиёратчиларнинг қадими узоқлиқиди.

Ушбу мажмуада музейда ўша мамлакатни озодлиги учун курашган сиёсатчиларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид қўллаб ашёлар сақланади, музей заллари узра Мустафо Камол нутқлари янграйди, тарихий қадрлар намойиш этилади. Бу зиёратчиларга ўша даврлар руҳини ҳис қилишига имкон беради.

Мустафо Камол Биринчи жаҳон урушидан кейин парчаланиб, қарамликда қолган мамлакатни озод этган. 1923 йили мустақиллик эълон қилиб, ҳозирги Туркия Республикасига асос солган. Мамлакатнинг бугунги тараққиётини белгилаб берган сиёсий, ижтимоий ва маданий ислохотларни амалга оширган. 1934 йилда мамлакат парламентиди уни Отатурк деб аташ қонунийлаштирилган.

Давлатимиз раҳбари музей билан ҳам танишиди, мажмуанинг фахрий меҳмонлар китобида дастхат ёзиб қолдириди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари Туркия Республикаси Президенти саройида бўлиб ўтди. Расмий кутуб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоғон тор доирада учрашув ўтказди. Унда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш масалалари атрафлича муҳокама қилинди.

Ўзбекистон билан Туркияни муштарак тил ва тарих, ўхшаш маданият ва анъаналарга асосланган яқин дўстлик ва қардошлик муносабатлари бириктириб туради. Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган ҳам ана шу қардошлиқнинг юксак ифодаси бўлган эди. 1996 йилда мамлакатларимиз ўртасида Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган. 2017 йил октябр ойда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга илк давлат ташрифи чоғида мамлакатларимиз ҳамкорлигини стратегик шериклик даражасига кўтарилган Қўшма баёнот имзоланди.

Ўтган уч йилда алоқалар стратегик шериклик даражасига чиқди. Президентлар 7 марта учрашди. Олий даражадаги учрашув ва музокараларда мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантириш истисқиболари муҳокама қилинди. Бу икки мамлакат иштибармон доиралари учун қўлай шароит яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, қўшма кооперация лойиҳалари ва маданий-гуманитар аламуналарини дастурларини амалга ошириш каби қўллаб йўналишларда ўз аксини топмоқда.

Ўтган йили сентябрь ойда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгашига тўла ҳуқуқли аъзо бўлди. Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотга қўшилишини барча туркий мамлакатлар, аввало, Туркия Республикаси қизгин қўллаб-қувватлади. Шу тариха мамлакатларимиз учун яна бир халқаро тузилма доирасида икки ва кўп томонлама ҳамкорлик учун янги имкониятлар пайдо бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Туркий кенгашининг Буюқда ўтган эттинчи саммити олдидан Тошкентда Туркий тили давлатлар иштибармонлар кенгаши мажлиси ва Инвестиция форуми ташкил этилди.

Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли дўстона муносабатлар изчил ривожланмоқда. Барча даражадаги мулоқотлар кескин фаоллашди. Ўзбекистон ва Туркия халқаро ташкилотлар доирасида бир-бирини доимий қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Худудларо алоқалар жадал тус олди. Тошкент ва Анкара, Самарқанд ва Истанбул ўртасида амалий ҳамкорлик олиб боришмоқда.

Туркия Ўзбекистоннинг муҳим савдо шерикларидан биридир. Кейинги йилларда қўлай инвестициявий ва иштибармонлик муҳити самарасида турк бизнеси вакиллари юртимиздаги фаолиятини кенгайтирди. 2019 йилда ўзаро савдо ҳажми 2,5 миллиард АКШ долларидан ошди.

Айни пайтда Туркия билан 500 миллион долларлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бундан уч йил олдин 20 миллион доллар ҳам бўлмаган. Ўтган йил

нинг ўзида қўшма ширкатлар саркам 500 тага қўлаиб, қарийб 1 минг 300 тани ташкил этмоқда.

Транспорт соҳасидаги ҳамкорлик кенгаймоқда. Жумладан, 2019 йилда автомобилда юк ташиш 33 фоизга, темир йўлда 17 фоизга, ҳаво қатновлари орқали 42 фоизга ошди. Бугунги кунда Истанбулдан Тошкент ва Самарқандга парвозлар амалга оширилмоқда. Келгусида Бухоро шаҳрига ҳам парвозлар режалаштирилган.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Туркия ҳукуматларо комиссияси иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, худудлар ва тармоқлар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўлашмоқда. Айни пайтда икки мамлакатда харидоригр бўлган юқори қўшимча қийматли маҳсулотларни етказиб бериш ва узоқ муддатли инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш орқали ўзаро савдо ҳажмини муттасил ошириб бориш ва диверсификация қилиш бўйича изчил чоралар қўрилмоқда.

Музокараларда ўзаро манфаатли имкониятларни ишга солиш, янги лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш учун Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо комиссияси йўналишларини мунтазам ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Туркия ривожланган тўқимачилик саноати билан ҳам машур. Мамлакатимизда Туркиянинг етакчи компаниялари билан тўқимачилик корхоналари ташкил этиш ва етиштирилаётган пахтани тўқиб қайта ишлаб, тайёр маҳсулот учун сертификатлашни жорий этиш ва жаҳон бозорига йўналиштириш мўлжалланмоқда. Бунинг учун Эге, Окан ва Истанбул техника университетлари билан музокаралар олиб боришмоқда.

Учрашувда транспорт алоқаларини кенгайтириш, Туркия орқали Европага мўлтимодал халқаро ташувларни йўлга қўйиш муҳимлиги қайд этилди. Интенсив богдорчилик, балчиқчилик, чорвачилик, наслчилик йўналишларида Туркиянинг илгор тажрибасини ўзлаштириш, университетлар ва илмий марказлар билан қўшма тадқиқотлар олиб бориш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашда маданий-гуманитар тадбирлар, турли фестиваллар муҳим ўрин тутди. Туркия маданияти ва санъати вакиллари Самарқандга ўтадиган “Шарк тароналари” халқаро мусика фестивалида мунтазам иштирок этади. Шунингдек, турк амалии санъати ва фольклори намояндалари юртимизда илк бор ўтказилган Халқаро мақом санъати анжумани, Ҳўнармандчилик фестивалида ҳам ўз санъати ва маданияти намуналарини тақдим этиди.

Соғлиқни сақлаш ва тиббий таълим соҳаларида, етакчи тадқиқот марказлари ўртасида тажриба алмашиш ҳамда профессионал кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу бордада ўтган йили Бухоро давлат тиббиёт институтида халқаро факультет ташкил этилиб, 131 талаба ўқишга қабул қилинганини қайд этиш ўринли. Туркия билан ҳамкорликда бундай қўшма таълим даргоҳларини қўлайтириш, худудларда тиббиёт даражасини ошириш ва аҳолини сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш, тиббий туризмни ривожлантириш режалаштирилмоқда.

Президентлар Ўзбекистонда онкогемотология, кардиожарроҳлик, офталмология йўналишларида замонавий қўшма клиникалар ва диагностика марказлари ташкил этиш, кичик бизнес, тўқимачилик каби йўналишларда қўшма таълим дастурларини амалга ошириш, кластерлар учун мухтаассислар тайёрлаш таклифи юзасидан фикр алмашди.

Сунгли йилларда Туркиядан сайёҳлар оқими икки баробар ошди. Жумладан, ўтган йили 64 минг туркийлик сайёҳ мамлакатимизга ташриф буюрди.

Самимий руҳда ўтган учрашувда икки томонлама сиёсий мулоқот ва кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилиш қатъий экани яна бир бор таъкидланди. Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбарининг Туркияга ташрифи доирасида шу кунин Анкара шаҳрида Олий даражадаги Ўзбекистон – Туркия стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Бу кенгаш икки томонлама муносабатлар тарихида янги мулоқот форматидир. У 2018 йили давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотида мувофиқ тузилган.

Кенгаш ўз фаолиятини Ўзбекистон ва Туркия Президентлари ҳамраислигида олиб боради. Сиёсат, хавфсизлик ва мудофаа, савдо ва иқтисодий, инвестиция, туризм, энергетика, транспорт ва транзит, қишлоқ ва ўрмон ҳўжалиги, маданият, таълим, фан ва техника, инновациялар, соғлиқни сақлаш ва бошқа ўзаро манфаатли соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш стратегиясини белгилайди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Туркия ҳукуматларо комиссияси ҳамраислари эришилган натижалар тўғрисида мазкур кенгашга доимий ахборот қилиб боради. Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги ва Туркия ташқи ишлар вазирлиги кенгашининг мувофиқлаштирувчи органлари ҳисобланади.

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон давлатимиз раҳбарини ташриф билан қўллаб, мамлакатларимиз парламентлари, давлат идоралари ва иштибармон доиралари ўртасидаги алоқалар мустаҳкам-

лашиб бораётганидан мамнулигини билдирди. Туркия ва Ўзбекистоннинг қўшма лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз делегациясига кўрсатилаётган меҳмондўстлик ва кечисиз ҳурмат учун Туркия раҳбари ва халқига ташаккур изҳор этди.

– Бу учрашув стратегик шериклигимиз юксак босқичга кўтарилганининг яққол ифодасидир. Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро товар айирбошлов ҳамжмини яқин йилларда беш миллиард долларга етказишга қаратилган устувор вазибаларни бажаришда ҳам ушбу кенгаш, албатта, муҳим замин бўлади. Биз бугунги йиғилиш натижаларини мустаҳкамлаб, келгуси йили бўлиб ўтадиган учрашувнинг кун тартиби ва ҳамкорлигимизнинг асосий йўналишлари ҳақида ҳозирдан йўлашимиз мақсадга мувофиқ, – деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон билан Туркия ҳамкорлиги, айниқса, охириги уч йилда анча фаоллашди. Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил октябр ойда Туркияга ҳамда Режеп Таййип Эрдоғоннинг 2018 йил апрелда Ўзбекистонга давлат ташрифлари ўзаро сиёсий ишончни мустаҳкамлаб, самарали ҳамкорликка кенг йўл очди.

Изчил мулоқотлар ва муштарак интилишлар самараси ҳамкорлик ривожига яққол намоён бўлмоқда.

Икки давлат раҳбарларининг қўллаб-қувватлаши ва яратилаётган шароитлар натижасида ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш имконлиги таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон ва Туркия савдо вазирлари сўзга чиқиб, икки томонлама ҳамкорлик ривожига тўғрисида батафсил ахборот берди.

Музокараларда мамлакатларимиз ҳамкорлигига оид барча масалалар ва уларнинг ечиллари, истиқболдаги асосий вазибалар ҳамда қўшма лойиҳалар келишиб олindi.

Шавкат Мирзиёев Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилишини ўтказиш учун Режеп Таййип Эрдоғонни Ўзбекистонга таклиф қилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғон Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши натижалари тўғрисида Қўшма баёнотни имзолдилар. Шунингдек, иқтисодий, савдо, технологиялар соҳасида оид ҳўжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда Режеп Таййип Эрдоғон Ўзбекистон Президенти ташрифидан мамнун эканини билдирди.

– Илми, ижоди билан дунёга эришилган улашган Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Али Қушчи, Алишер Навоий каби буюқларимиз тулоқларидан салом келтирган бу инсонларнинг ташрифи биз учун жуда азиз ва қадрлидир. Ўзбекистон билан муносабатларимиз мустаҳкам қардошлик ришталарига таянган ҳолда, стратегик шериклик даражасига кўтарилганини қадраймиз, – деди Туркия Президенти.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон – Туркия стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши дўстона алоқалар тарихида янги саҳифа очгани, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоавий, транспорт, маданий-гуманитар соҳаларга оид қўллаб масалалар атрафлича муҳокама қилинганини таъкидлади.

– Қўшма лойиҳаларини амалга ошириш масаласи мулоқотимизнинг марказий мавзуларидан бири бўлди. Туркиянинг етакчи компаниялари билан қиймати бир миллиард доллардан ортиқ бўлган янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Бу жараёни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга келишиб олдик, – деди давлатимиз раҳбари.

Ақсарият минтақавий ва халқаро муаммолар борасида, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва Туркий тили давлатлар кенгаши доирасидаги ҳамкорликка оид ёндашувлар муштарак экани таъкидланди. Замонавий таҳдид ва хавфхатарларга қарши курашишда ҳам мулоқотни кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Маърифий исломни тарғиб этиш, маданият, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларида биригилишда тадбирлар ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

– Қардош халқларимиз тараққиёти, тинч ва фаровон ҳаёти йўлида ривожланиб бораётган анъанавий дўстлик, кенг қамровли ҳамда истиқболга мўлжалланган ҳамкорликни янги босқичга кўтариш учун барча имкониятларимизни сафарбар этишга тайёримиз. Айнан шу таъминловчи мулоқотимиз якунида имзоланган Қўшма баёнотда ўз ифодасини топди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ташриф доирасида 20 февраль кунин Туркиянинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашди, Туркия Республикаси Президенти кутубхона мажмуасининг очилиш маросимида қатнашиши режалаштирилган. Мазкур тадбирлар Туркия билан иқтисодий ҳамкорликда янги саҳифа очди, зиб масканга ташриф халқларимизнинг ўз келажagini юксак маънавият, ўлмас ахлоқий қадриятлар, билим ва маърифат орқали кўраётганининг намоёни бўлади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЖАМИЯТДА ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ МУҲИТНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ, МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИ ЯНАДА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНГИ ДАРАЖАГА ОЛИБ ЧИҚИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Ўтган кеска даврда аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича “маҳалла – сектор – Халқ қабулхонаси – маҳалла” таъминоти асосида самарали ҳамкорлик тизимини жорий этиш, маҳаллани халқ билан давлат ўртасида ишончли “кўприк” бўлишини амалда таъминлаш, оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, фуқаролар йиғинларига хос бўлмаган функциялар юқлатилаётганини, уларнинг бошқа кўйи идоралар билан ҳамкорлиги тизимли йўлга қўйилмаганини, оила, хотин-қизлар ва кесваларга ёрдам кўрсатишининг яхлит тизими мавжуд эмаслиги, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш бўйича кўрилатган чоралар самарали

натижа бераётганини жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ва қонун устуворлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда. Аҳоли оёсийталигини таъминлаш, оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, нурунийлар ижтимоий фаоллигини ошириш, маҳаллани жиноятчиликдан холи худудга айлантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва маъқелини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазибаларни амалга ошириш мақсадида:

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5938-сон Фармонида мувофиқ:

1. Қуйидагилар:
 - а) Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;
 - б) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бошқарув ҳодимларининг умумий чекланган сони:
 - 99 штат бирлигидан иборат Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;
 - 336 штат бирлигидан иборат Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;
 - 1 624 штат бирлигидан иборат туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлиmlарининг намунавий тузилмаси 4-иловага мувофиқ таъкидлансин.

(Давоми 3-бетда)

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ АНҚАРАДА ТУРК ТИЛИДА ЧОП ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси Анкарада турк тилида, китоб шаклида чоп қилинди ва давлатимиз раҳбарининг ушбу мамлакатта расмий ташрифи арафасида ижтимоий-сиёсий, иштибармон, академик доиралар ва кенг жамоатчилик вакиллари тарафидан:

Туркия парламентидида мазкур нашр тақдимотида бағишланган анжуман ташкил этилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси Анкарада турк тилида чоп этилди Эксперт ва таҳлилчилар, Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгаши вакиллари, сиёсатшунослар қат-

(Давоми 3-бетда)

XXI саҳоси
Барча жанбалардан олдинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Жорий йил апрель ойда “Бухоро – 2020 йилда ислом олами маданияти пойтахти” тадбирлари бўлиб ўтди. Ҳозирда шарафли мақомга эга бу тадбирга тайёргарлик қўрилмоқда. Шу жараёнининг бориши билан танишиш мақсадида Таълим, фан ва маданият масалалари

Бўйича Ислом ташкилоти (АЙСЕСКО) масъул вакили Рихати Салих Назиб бошчилигидаги делегация Тошкентга келди. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигида делегация ва мамлакатимиз мутасадди ташкилотлари вакиллари иштирокида ишчи гуруҳ учрашуви бўлиб ўтди.

- Буюқ Британиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Тим Торлоу Наманган вилоятига келди. Наманган Маданият марказида бўлган учрашувда элчи дастлаб вилоят ёшларининг ижодий ишлари кўргазмаси билан танишиди. Тим Торлоу 2020 йил май ойда Лондонда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон – Британия савдо ва саноат кенгашининг йиғилишига Наманган вилояти делегациясини ҳам таклиф қилди.

• Андижон вилояти ҳокими Андижон тиббиёт институти битирувчи талабалари билан учрашди. Учрашув доирасида институт маъмурияти ташаббуси билан 2019-2020 ўқув йили битирувчиларини ишга тақсимлаш мақсадида “Бўш иш ўринлари ярмаркаси” ҳам ўтказилди. Ярмаркада туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари тасарруфидидаги ҳамда хусусий тиббий муассасалар, шунингдек, вилоят тиббиёт шифохоналари ўзларидаги мавжуд бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Ярмарка давомида барча битирувчилар ишга жойлашиш бўйича аниқ таклифлар олди, ақсарият битирувчилар эса ишга жойлашиш юзасидан шартномалар тузди.

ЖАҲОНДА

- Австралиянинг ўрмон ёнгинларидан азият чекаётган Янги Жанубий Уэльс штатида кучли довул ёпирилиб, у олиб келган ёнғирлар штат худудида 74 кундан бери давом этаётган ёнгинларни ўчирди. Маълум қилинишича, ёмон об-ҳаво оқибатида 100 мингдан кўпроқ одам, жумладан Сидней аҳолиси электр таъминотисиз қолган. Баъзи худудларда тошқин юз бериши хавфи сабабли эвакуация эълон қилинган. Айни вақтда довулдан 6 киши жабрлангани маълум қилинган. Таъкидланишича, довул вақтида Сидней соҳиллари яқинида баландлиги 14 метргача етган тўқиллар кузатирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ Қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

2. Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг (кейинги ўринларда – Вазирлик) марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалари тузилмаларида бошқарув ҳодимларининг белгиланган умумий штатлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш;

3. Белгиланган кўрсаткич, тебибий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартлоғларига кўра вазирликнинг биринчи ўринбосари – вазирга ҳамда Вазирлик ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари биринчи ўринбосарлари – Вазирлик ҳудудий бўлинмалари бошлиқларига тенглаштирилади.

4. Вазирлик ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари; Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари; фаолият йўналиши бўйича амалга оширилган ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар; жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия хомийлик маблағлари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотлар грантлари; қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ички ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тўғрисидаги низомини тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат хизмати ривожлантириш агентлиги истиқболли кадрларни Миллий кадрлар резервига қўйиш учун танлов саралашларини ташкил қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида фаолият кўрсатаётган ходимларни ҳам инобатга олсин.

7. Вазирлик ички ой мuddатда: марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларнинг Вазирликка юкланган вазифаларни профессионал даражада бажаришга ҳодир бўлган, зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга юқори малакали кадрлар билан тўлдирилишини;

8. Белгилансинки, Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларини ўзарига юклатилган функцияларга мувофиқ белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирликка тегишли вазифаларни амалга ошириш учун, зарур ҳолларда, давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларини жалб қилиш, ишни гуруҳлар тузиш;

Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотлардан статистик, таҳлилий материаллар, ҳулосалар ва бошқа маълумотларни сўраш ва олиш;

давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бўлиши, уларни келтириб чиқаруви сабаб ва шарт-шароитларни бартавраф этиш бўйича қўриб чиқишни мажбурий бўлган тақдирларни қилиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қўлаб-қувватлашга ариза (шикоят) ва дъво-ларни киритиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир ташаббуслар билан чиқиш ҳамда тақлифлар киритиш.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғiston Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

ҳар бир маҳаллада тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларни (кейинги ўринларда – инвесторлар) фаол жалб қилиш ҳисобига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи комплекссини (кейинги ўринларда – комплекс) давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги имкониятларини кенгайтириш мақсадида фуқаролар йиғинларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ижтимоий дастурлар, шу жумладан, “Хар бир оила – тадбиркор” дастури, “Хунармандчиликни ривожлантириш дастури”, “Yoshlar – kelajagimiz” дастури асосида имтиёзли кредитлар ажратиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

10. Қуйидагилар комплексларни қуриш учун давлат-хусусий шерикликнинг асосий шартлари этиб белгилансин:

инвесторларга маъқулланган намунавий лойиҳаларга мувофиқ комплексларни барпо этиш, шунингдек, тегишли инфратузилма қуриш учун зарур ер участкалари тўғридан-тўғри (танлов савдоларини ўтказмасдан) шартномалар асосида ҳақ ундирилмасдан ажратилади (Қорақалпоғiston Республикаси ва вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳридаги ер участкалари бундан мустасно);

комплексларни қуриш учун ер участкаларини танлаб олиш маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан Вазирлик билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

инвесторларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун (келишув бўйича ёки комплекслар билан бир бинода ёхуд бошқа жойда) жойнинг ташқи меъморий қиёфасига мос келадиган, қурилиш учун ажратилган комплекслардан кичик бўлмаган майдонга эга бўлган комплексларга туташ қўшимча шунга ўхшаш объектлар ҳам ажратилади. Бунда мазкур объектларнинг фаолият кўрсатиши фуқаролар йиғинларининг иши учун ноқулайликлар яратмаслиги керак;

инвесторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, комплексларга туташ объектларда амалга оширилиши мумкин бўлган фаолият турлари ва йўналишлари, шунингдек, комплексларнинг қурилиши бўйича давлат-хусусий шерикликнинг бошқа шартлари Вазирлик томонидан ишлаб чиқилган намунавий шакллар бўйича инвестор ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида тузилмадан келишувларда акс эттирилади;

комплекслар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувда қатъий белгиланган мuddатларда ва тартибда маъқулланган лойиҳалар асосида, туташ ҳудуд обод қилинишини назарда тутган ҳолда қурилади;

қурилиш тугалланган комплекслардан кейинчалик фойдаланиш тартиби давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув билан белгиланади;

инвестор томонидан ўшбу банднинг тўртинчи хатбошисига мувофиқ қурилган қўшимча объектлар фойдаланишга топширилган санадан бошлаб 3 йил мuddатга тегишли равишда ўшбу қарор доирасида тақдим этиладиган ер участкасига ва унда қурилган кўчмас мулкка нисбатан ер солиғи ва мол-мулк солиғининг, шунингдек, мазкур объектларда амалга оширилган тадбиркорлик фаолиятдан олинмаган фойда ёки тушумларга нисбатан фойда солиғи ҳамда айланмадан олинмаган солиқнинг белгиланган солиқ ставкаси 50 фоизга камайтирилган ҳолда тўланади.

11. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига комплекслардаги фойдаланилмаётган хоналарни ижарага бериш тўғрисида икки томонлама шартномаларни мустақил равишда келиб тушадиган маблағларни кейинчалик ўзларининг ҳисобаварига ўтказган ҳолда тузиш ҳамда мазкур маблағлардан фақат комплексларни саклаш ва ободонлаштириш харажатларини қоплаш учун сарфлаш ҳуқуқи берилсин.

12. Белгилансинки: инвесторларни танлаб олишининг асосий мезонлари комплексларни қуриш мuddати, тақлиф этиладиган капитал қўйилмалар ва инвестициялар ҳисобланади;

инвесторнинг ташаббуси бўйича келишув бекор қилинганда, унинг комплекслар қурилишига сарфлаган харажатлари қопланмайди, қурилиш тугалланмаган объект давлат мулкка ўтказилади ва ўшбу қарорга мувофиқ инвесторларни қидириб топил қайтадан ўтказилади;

қуриладиган комплексларнинг зарур ташқи муҳандислик-транспорт коммуникацияларини олиб келиш комплекслар қурилиши учун давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувда белгиланган мuddатларни ҳисобга олган ҳолда электр таъминоти, газ таъминоти ва алоқа қўшим бўйича “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Узтрансгаз” АЖ ва “Ўзбектелеком” АК маблағлари ҳисобидан, автомобиль йўллари қуриш қисми бўйича, сув таъминоти ва канализация Қорақалпоғiston Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади;

комплексларни меъбел, техника, бошқа ускуна ва инвентарь билан жиҳозлаш Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди маблағлари, грантлар, кредитлар, Қорақалпоғiston Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳамда қонун ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа маблағлар, шунингдек, инвесторлар рози бўлган тақдирда, уларнинг ўз қўйилмалари ҳисобидан амалга оширилади.

13. Қорақалпоғiston Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) уч ой мuddатда потенциал инвесторларни танлаб олишни ҳамда улар билан комплексларни ўшбу қарорда ва намунавий келишувда белгиланган давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш тўғрисидаги келишувлар тузилишини таъминласин;

б) инвесторлар бўлмаган тақдирда, ҳар бир маҳаллада комплекслар қурилишини Қорақалпоғiston Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ташкил этсин;

в) Вазирлик, Қурилиш вазирлиги ва Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди билан биргаликда 2020 йил 1 июлга қадар: Қорақалпоғiston Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар марказларида “Маҳалла маркази” мажмуалари биноларини намунавий лойиҳалар ва уларга қўйилган талаблар асосида қуриш (реконструкция қилиш, таъмирлаш), шунингдек, уларни зарур меъбел жамланмаси, компьютер техникаси билан жиҳозласин;

“Маҳалла маркази” мажмуаларида Вазирликнинг ҳамда Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлинмаларини жойлаштириш ишларини якунласин.

14. Вазирлик:

а) бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда комплексларнинг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қурилиши тўғрисидаги намунавий келишув лойиҳаси ишлаб чиқишлигини;

б) ички ой мuddатда Қорақалпоғiston Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2020 – 2022 йилларга мўлжалланган ҳар бир маҳаллада комплексларни ташкил этиш бўйича манзилли дастурни тасдиқлаш ҳақида Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди билан биргаликда:

2020 йил 1 июнга қадар Вазирлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун зарур аxbорот тизимлари ва электрон маълумотлар базаларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва интеграция қилиш концепцияси, техник-иқтисодий ҳисоб-китоби ва техник топшириги тайёрлашини ҳамда тасдиқлаш учун белгиланган тартибда киритилишини;

тасдиқланган концепция, техник-иқтисодий ҳисоб-китоб ва техник топшириқ асосида 2021 йил 1 июлга қадар – Вазирлик, унинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, 2022 йил 1 январга қадар – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун аxbорот тизимлари ва электрон маълумотлар базалари ишлаб чиқиши ҳамда жорий этилишини;

2020 йил 1 июлга қадар – Вазирлик, унинг ҳудудий бўлинмаларини, шунингдек, 2021 йил 1 июлга қадар – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юқори тезликдаги Интернет тармоғига улаанишини ҳамда зарур алоқа, жумладан, Вазирликни ҳукумат алоқаси билан таъминласин;

г) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 июнга қадар “Маҳалла” электрон маълумотлар базасини янада такомиллаштириш, аxbорот хавфсизлигини таъминлаш ва ўзаро маълумот алмашинувини жорий этиш чораларини кўрсин.

15. Вазирлик бошқарув ҳодимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашининг тасдиқланган разрядларига мувофиқ лавозим машоини белгилашда тариф коэффициентни марказий аппаратда – 2 бараварга, Қорақалпоғiston Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаларида – 1,5 бараварга, туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлиминининг – 1,3 бараварга оширилган миқдорда қўлланилиши белгилансин.

Мазкур бандда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

16. Вазирлик Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиклол қўчаси, 51-ўй манзили бўйича оператив бошқарув ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2020 йилда ўшбу қарорни амалга ошириш доирасида Вазирликнинг харажатлари учун Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида”ги қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида”ги қонунига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилган қадар Вазирлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар учун маблағ ажратиш чораларини кўрсин;

2021 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни параметрларида зарур маблағларни қўяди тугсин.

18. Вазирлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ички ой мuddатда қонун ҳужжатларига ўшбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

19. Мазкур қарор ижросини ташкил этишининг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги – ўшбу қарорда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда маълум ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин, чора-тадбирлар ижроси бўйича юзага келадиган жорий масалалар тезкорлик билан ҳал этилишини таъминласин ҳамда ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига ўшбу қарорнинг амалга оширилиши ҳақида батафсил маълумот тақдим этсин;

Қорақалпоғiston Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари – ҳар бир маҳаллада давлат-хусусий шериклик шартлари асосида комплекслар қурилишини, инвесторлар танлаб олинишини, инвесторлар бўлмаган тақдирда, комплекслар Қорақалпоғiston Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қурилишини таъминласин;

масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари – ўшбу қарорда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажариш юзасидан барча зарур чораларни амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий аxbорот агентлиги бош директори А.К.Қўчимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси раиси вазифасини бажарувчи А.Д.Халжаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори – ўшбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини мунтазам ёритиб бурсин.

20. Ўшбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирли А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 18 февраль

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ АНҚАРАДА ТУРК ТИЛИДА ЧОП ЭТИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Осман МЕСТЕН, Туркия парламентидаги “Туркия – Ўзбекистон” парламентларо дўстлик гуруҳи раиси:

– Ўзбекистонда аҳоли манфаатини таъминлаш йўлида барча шароит яратилмоқда, парламент бу борада янги қонунлар ишлаб чиқиш устида ишламоқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам асосий эътибор мамлакатни янада ривожлантириш, халқ манфаатларини таъминлашга қаратилди. Туркия парламентидаги “Туркия – Ўзбекистон” парламентларо дўстлик гуруҳи раиси сифатида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ислохотчилик сиёсатини қўллаб-қувватлайман. Бу борада Туркия тажрибаси билан ўртоқлашишга, парламентларо ҳамкорликни янада тараққий эттиришга доим тайёрмиз. Парламентларимиз келгусида мамлакатларимиз ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш йўлида аниқ мақсадларни ўз олдига қўйган. Бу икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари ҳамкорлиги қундан-қунга ривожланишига таъсир кўрсатади, албатта. Парламентларо ҳамда халқаро парламент тузилмалари доирасидаги ўзаро алоқаларни янада чуқурлаштириш юзасидан биргаликда амалга оширилаётган ишларни изчил давом эттирамиз. Икки мамлакат савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорлигини фаол қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ҳуқуқий асосларни тақомиллаштиришга ҳисса қўшишга жиддий эътибор қаратамиз. Бунда қонун чиқарувчи органлар ўртасидаги алоқалар, парламентларо дўстлик гуруҳларининг имкониятларидан фаол фойдаланамиз.

Серкан КАЯЛАР, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТІКА) ижрочи директори:

– Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон чуқур ислохотлар ва тараққийёт даврини бошлади. Харажатлар стратегияси ва бошқа қўллаб-қўллаш дастурларга ҳамроҳ бўлган Олий Мажлисга Мурожаатнома мамлакат олдидиги яқин истиқболдаги мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаб берувчи “Йўл харитаси”дир. Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги ўшбу Мурожаатномада белгиланган берилган йўналишларда Ўзбекистонга кўмак беришга тайёр. ТІКА Ўзбекистонда 1993 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Таълим, тиббиёт, малака ошириш каби бир неча йўналишларда мақсадли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этдик. Сўнгги уч йил давомида лойиҳаларимизни ишлаб чиқишда Президент Шавкат Мирзиёев нутқларига белгиланган вазифаларга алоҳида эътибор қаратдик. Шу маънода, Мурожаатноманинг турк тилида чоп этилиши бизга қўлайлик туғдиради. Сўнгги йилларда фаолиятимиз натижалари бирмунча ўсган. Хусусан, 2018 йил икки давлат муносабатларида туб бурилиш ясаган олий даражадаги музокаралар бизнинг лойиҳаларимизга ижобий таъсир кўрсатди. Юртингизга замонавий тез тиббий ёрдам машиналарини топширдик, Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда мобиль Халқ қабулхоналари ташкил этишга кўмаклашдик. Президент Шавкат Мирзиёев белгилаб берган тараққийёт режалари ижросига биз ҳам ўз ҳиссамизни қўшишда давом этамиз. Келгуси йилларда бундай лойиҳаларимиз янада кўпайишига умид қиламиз.

“Дунё” АА

ТИКЛАНАДИГАН ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ

Бутун жаҳонда тикланадиган энергия манбалари қизиқиш қундан-қунга ошиб бормоқда. Буларга биринчи навбатда қуёш, шамол ва биоэнергия манбаларини қайд этишимиз мумкин.

Сўнгги йилларда мавжуд бўлган нефть, газ, кўмир ва атом энергияларига нисбатан альтернатив энергия манбаи ҳисобланган тикланадиган энергия манбалари рақобатбардошлиги сезиларли ўсди. Бу ўсиш шу даражада ривожланиб бора яқин йилларда тикланадиган энергия манбалари энергия бозорининг асосий қисмини ташкил этади.

Тикланадиган энергия манбаларидан бири қуёш энергияси ҳисобланади, йилнинг асосий қисми очик ва иссиқ келиши тўғрисида Ўзбекистон қуёш энергиясидан фойдаланишининг барча иқтисодий йўналишлари бўйича афзалликларга эга.

Қуёш энергиясидан фойдаланиш тизимлари яратилишининг афзалликлари асосан электр ва бошқа энергия манбалари бўлмаган ҳудудларда тикланадиган энергия манбалари яратган ҳолда халқ хўжалиги ва аҳолининг энергия манбаларига бўлган талабларини қондиришдан иборат. Фойдаланиб келинмаётган энергия манбалари асосан кўмир,

нефть, табиий газ, сув ва бошқа табиий ресурслар ҳисобига олиниб, катта харажатлар ҳисобига ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, қазиб олинмаган қазилма бойликларнинг захиралари чегараланган бўлиб, унинг миқдори йилдан йилга камайиб боради. Энг ёмон томони табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнида атраф-муҳит ифлосланади ва катта миқдорда қайта ишланмайдиган чикимдир ҳрсил бўлади. Шу сабабли тикланадиган энергиядан фойдаланишнинг афзалликларини аниқрақ қуёш, шамол, сув ва бошқа манбалардан олиш йўллари ўрганиб чиқиш, уларни такомиллаштириш ва қўлай оптимал вариантларни ҳаётга татбиқ қилиш шу куннинг талаби ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида энг қуёшли ва иссиқ бўлган вилоятларда биз учун арзон табиий ресурслардан яъни энергия манбаи бўлган қуёш, шамол, сув энергияси манбаларидан фойдаланишга ўтиш бўйича ишларни бажаришимиз талаб этилади.

Музаффар УСМАНОВ,
“Ўзэнергоспекавис”,
Тошкент шаҳар бўлими
етақчи мутахассиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2020 йил 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Кенгаш мажлисини очар экан, Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасидан келиб чиқадиган долзарб вазифалар, шунингдек, парламент юқори палатаси зиммасига юкланган ваколатларининг амалга оширилиши борасида Сенат аъзоларининг масъулияти ҳақида тўхталиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлисини жорий йил 28 февраль куни қақриш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ялпи мажлисида Сенат аъзолари томонидан ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ соҳаларидаги ислохотларни изчил давом эттириш, маҳалла ва оила институтини мустаҳкамлаш, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари ҳамда муҳим масалалар муҳокама қилиш назарда тутилмоқда.

“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”, “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги, “Метрولوгия тўғрисида”ги, “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласидан.

Шунингдек, сенаторлар бола ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари белгиланиши, суд иш юритувига ахборот технологияларини жорий этиш давом эттирилиши ва низоларни судгача ҳал қилиш мuddатлари мақбуллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишини назарда тутадиган қонунларни қўриб чиқадилар.

Ялпи мажлисида “Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси Уставини (Гаага, 1951 йил 31 октябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳам муҳокама этилади.

Сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини тасдиқлаш ҳақидаги масала ҳам қўриб чиқилади.

Сенат аъзолари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йилда ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасидаги фаолияти

тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг 20

